

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 03/30.01. 2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ШИРИНОВА ФЕРУЗА АТХАМОВНА

**МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ ВОСИТАСИДА
ТИББИЁТ-ФАРМАЦЕВТИКА ЙЎНАЛИШИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ
МУСТАҚИЛ ЎҚУВ-БИЛУВ ФАОЛИЯТИНИ ЛОЙИХАЛАШТИРИШ
(инглиз тили материаллари асосида)**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимлар тарихи.

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

УДК:61:378:42:681.14237

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по педагогическим наукам

Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)
on pedagogical science

Ширинова Феруза Атхамовна

Масофавий таълим воситасида тиббиёт-фармацевтика йўналиши
талабаларининг мустақил ўқув-билув фаолиятини лойиҳалаштириш.....5

Ширинова Феруза Атхамовна

Проектирование самостоятельной учебно-познавательной деятельности
студентов медико-фармацевтического направления посредством
дистанционного обучения..... 24

Shirinova Feruza Atxamovna

Designing independent learning activities of medical-pharmaceutical students via
distance learning..... 46

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 50

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 03/30.01. 2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ШИРИНОВА ФЕРУЗА АТХАМОВНА

**МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ ВОСИТАСИДА
ТИББИЁТ-ФАРМАЦЕВТИКА ЙЎНАЛИШИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ
МУСТАҚИЛ ЎҚУВ-БИЛУВ ФАОЛИЯТИНИ ЛОЙИҲАЛАШТИРИШ
(инглиз тили материаллари асосида)**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи.

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий Аттестация Комиссиясида B2019.4.PhD/Ped150** рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетиде бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-сайтида (www.tdpu.uz) ҳамда «ZiyoNET» ахборот таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Мухитдинова Хадича Собировна**
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Хакимова Мухаббат Файзиёвна**
педагогика фанлари доктори, профессор

Кодирова Фазилат Шукуровна
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот: **Самарқанд давлат чет тиллари институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети хузуридаги DSc.03/30.01.2020.PED.26.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «24» «03» соат даги мажлисида бўлиб ўтди (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86; e-mail: tdpu_kengash@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1482 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86. e-mail: tdpu_kengash@edu.uz.

Диссертация автореферати 2022 йил «14» «03» куни тарқатилди.
(2022 йил «14» «03» даги 71 рақамли йиғини асос қилиб).

**В.С. Абдуллаева**
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, п.ф.д., проф.

Р.Г. Исмаилов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, п.ф.н., доцент

Н. А. Муслимов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, п.ф.д., проф.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон таълим тизимида шахснинг бугунги технология асрининг ижтимоий-иқтисодий шароитларига мослашувчан сифатлари ва ижодий фаоллигини ривожлантириш технологиялари амалиётга татбиқ этилмоқда. ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ, Европа Университетлари Ассоциацияси ташкилотларида таълим олувчиларнинг интеллектуал фаоллиги ва касбий етуқлигини баҳолаш, соҳавий инглиз тилини (English for Specific Purposes (ESP)) йўналишида ўқитиш асосида мутахассислик фанлари билан алоқадорликни таъминлаш ва мутахассисларнинг касбий компетентлигини кучайтириш юзасидан йирик илмий лойиҳаларни амалга ошириш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Жаҳон ва таълим илмий тадқиқот муассасалари, жумладан, тиббиёт ва фармацевтика йўналишида маъсофавий таълимга ўтиш ва унинг анъанавий таълим билан интеграциясини таъминлаш орқали аралаш таълим (Blended Learning) ни такомиллаштириш, олий таълимнинг ягона стандартини яратиш ва халқаро дипломларни тан олиш, талабалар ва ўқитувчилар мобиллигини йўлга қўйиш юзасидан илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Талабалар билими, малакаси ҳамда кўникмасига қўйилмайдиган балларни унификация қилиш, халқаро кредит-модуль тизими (ECTS)га асосланиб, кредитларнинг умумий миқдори ва ҳар бир модуль бўйича талаба томонидан тўпланиши лозим бўлган кредитлар сонини мустақил белгилашни ташкиллаштириш, тиббиёт-фармацевтика йўналиши талабаларининг мустақил ўқув-билув фаолиятини лойиҳалаштириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш тобора долзарб бўлиб бормоқда.

Республикамизда сўнги йилларда фармацевтика тармоғини ривожлантириш, тиббий-санитария соҳасида кадрларни тайёрлаш, тиббиёт-фармацевтика йўналишлари мутахассисларининг касбий компетентлигини янада ривожлантиришнинг меъърий-ҳуқуқий асослари яратилмоқда. Ижтимоий соҳа, хусусан, таълим ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш, таълим тизимининг узлуксизлигини янада такомиллаштириш мақсадида сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш устувор вазифалар этиб белгиланган¹. Хусусан, тиббиёт-фармацевтика йўналишида меҳнат бозори талабларига мос кадрларни тайёрлашда бўлажак мутахассисларнинг мустақил фаолият юрита олиш лаёқатларини ривожлантириш, маъсофавий таълим воситасида талабаларнинг мустақил ўқув-билув фаолиятини лойиҳалаштиришга оид илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сон “Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни омдалаштириш фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш чора-

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 майдаги “Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4310-сонли Қарори <https://lex.uz/docs/4096197> [Мурожат асоси: 20.01.2018.]

тадбирлари тўғрисида", 2019 йил 6 майдаги ПҚ-4310-сон "Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фан тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида", 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси тўғрисида" ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги 610-сон "Таълим муассасаларида чет тилларини ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" Қарорлари ва уларнинг ижроси билан боғлиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат юшади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I "Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий иктисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион гоёлар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари" устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикада инновацион таълим технологиялари воситасида ўқитишни моделлаштириш ва технологиялаштириш А.А.Абдукодиров, О.Ж.Бобомуродов, Г.Н.Ибрагимова, Н.А.Муслимов, Ш.З.Тайланова, М.Б.Уразовалар; Х.А.Маматкулов, А.В.Садикова, А.Ж.Хуррамов, Р.Р.Хусаиновлар таълим сифатини оширишда мустақил таълимнинг роли; тиббиёт-фармацевтика соҳасида чет тилларини ўқитиш, талабаларнинг касбий лаёқатларини ривожлантириш борасида М.Н.Исроилова, М.Р.Қадирова, Ҳ.Ф.Максудовалар илмий изланишлар олиб борганлар.

МДХ давлатларида масофадан ўқитиш ва мустақил таълим масалалари М.А.Бондаренко, И.В.Борисов, Ю.Б.Дроботенко, Ю.В.Еремин, Л.Г.Жук, М.А.Иванова, С.А.Маркелова, Э.Б.Новикова, Л.Н.Починалина, Б.Симона, Т.Р.Шаповаловаларнинг ишларида тадқиқ этилган.

Хорижий мамлакатларда таълимга инновацион ёндашув масалалари M.J.Bahr, N.Feizabadi, E.Lackner, J.Melton, Penafiel, C.White каби олимларнинг ишларида ўрганилган. Аралаш таълим муаммоларини D.Dowdy, L.J. Ega Larsen, B.A.Garling, C.N.Green, V.Hiett, C.M.Turpin, Yingling гулар илмий тадқиқ этганлар.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот А-1-197 рақамли «Инглиз ва немис тилларини ўрганиш учун ўқув-услубий модулларни такомиллаштириш ва улардан фойдаланишнинг назарий ва амалий асослари» амалий лойиҳаси банди доирасида бажарилган (2015-2017 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади масофавий таълим воситасида тиббиёт-фармацевтика йўналиши талабаларининг инглиз тилидан мустақил ўқув-билув фаолиятини ривожлантиришни лойиҳалаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тиббиёт-фармацевтика йўналиши талабаларининг инглиз тилидан мустақил ўқув-билув фаолиятини масофавий таълим воситасида ривожлантиришнинг педагогик имкониятларини таҳлил этиш;

тиббиёт-фармацевтика йўналиши талабаларининг соҳавий инглиз тили кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган мустақил ўқув-билув фаолиятини масофавий таълим воситасида лойиҳалаш технологиясини такомиллаштириш;

тиббиёт-фармацевтика йўналишида талабаларнинг соҳавий инглиз тилидан мустақил ўқув-билув фаолиятини Moodle ва NEMIS платформалари воситасида ривожлантиришни лойиҳалаштиришнинг методик таъминотини ишлаб чиқиш;

тиббиёт-фармацевтика йўналишида аралаш таълим шароитида талабаларнинг мустақил ўқув-билув фаолиятини масофавий таълим воситаси бўлган Moodle ва NEMIS платформалари воситасида ривожлантириш.

Тадқиқотнинг объекти масофавий таълим воситасида тиббиёт-фармацевтика йўналиши талабаларининг мустақил ўқув-билув фаолиятини ривожлантириш жараёнини лойиҳалаш бўлиб, Тошкент фармацевтика институти, Тошкент давлат стоматология институти, Андижон давлат тиббиёт институтининг 560 нафар талабаси иштирок этди.

Тадқиқотнинг предметни масофавий таълим воситасида тиббиёт-фармацевтика йўналиши талабаларининг мустақил ўқув-билув фаолиятини ривожлантириш жараёнини лойиҳалаштиришнинг мазмуни, шакли, методи ва воситалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида адекват ҳолатда ўрганишга қаратилган: назарий (таҳлилий, таснифий, чоғиштирма таҳлил), диагностика (кузатиш, анкета сўровлари, назорат), прогностик (умумлаштириш, баҳолаш), педагогик эксперимент ва математик методлар (маълумотларга статистик ишлов бериш, натижаларни график тасвирлаш ва бошқалар) усуллар мажмуи қўлланилди.

Тадқиқотнинг илмий янглиги қуйидагилардан иборат:

тиббиёт-фармацевтика йўналиши талабаларининг мустақил ўқув-билув фаолияти уларнинг индивидуал хусусиятлари, мослашувчанлиги, рефлексив ва ўз-ўзини назорат қилиш кўникмаларини ривожлантиришнинг педагогик интерференциясини доимий таъминлаш асосида такомиллаштирилган;

талабаларнинг мустақил ўқув-билув фаолияти соҳавий чет тили кўникмаларини табақалаштирилган умумсоҳавий, аутентик, дифференциал-ижодий, интегратив-фаолиятли, тиббиёт-фармацевтик контентларга мувофиқлиги дифференциал ёндашув интеграциясининг ички ва ташқи омиллар идиентлигини босқичма-босқич таъминлаш асосида такомиллаштирилган;

масофавий таълим шароитида талабаларнинг мустақил ўқув-билув фаолиятини ривожлантириш модели касбий компетентлик ва чет тиллари кўникмаларини лойиҳалаш механизмларини индивидуал, мустақил, таълим субъектларининг манфаатларига адаптив синхронлаштириш асосида такомиллаштирилган;

талабаларнинг мустақил ўқув-билув фаолияти самарадорлиги чет тилини ўқитиш имкониятлари, масофавий таълимни ташкил этишнинг ижтимоий параметрларига мувофиқлиги, электрон почта, форумлар ва суҳбатлар орқали

мулоқот қилиш учун шароит яратишга ижтимоий ва индивидуал синхронлаштириш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқот ишнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат: фармацевтик йўналишда талабаларнинг инглиз тилидан масофавий таълим воситасида мустақил ўқув-билув фаолиятини ривожлантириш асосида лойиҳалаштиришнинг табақалаштирилган уч босқичли технологияси яратилган ва биринчи курсда жорий этилган;

тиббиёт-фармацевтик йўналишида талабаларнинг соҳавий инглиз тилини мустақил ўрганишларини лойиҳалаш технологиясининг методик таъминоти ишлаб чиқилган ва биринчи курсда Moodle ва HEMIS платформаларига жойлаштирилган;

фармацевтика йўналишида биринчи курс талабаларининг инглиз тилини аралаш таълим муҳитида Moodle платформаси воситасида мустақил ўрганишлари учун "English for pharmacists Module 1" ўқув-қўлланмаси яратилган ва амалиётга жорий этилган;

тиббий-фармацевтик терминологиясини интерактив ўқитиш тизими бўйича талабаларнинг инглиз тилидан мустақил ўқув-билув фаолиятини ривожлантиришга қаратилган "LINGUO-LATINO" электрон лўғатининг модернизациялашган шакли яратилган ва биринчи курсда татбиқ этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларни ривожлантиришда республикамиз ва чет эллик олимлар тажрибаларига асосланганлиги, ўтказилган илмий таҳлиллар ва ишлаб чиқилган технология ва методик таъминот тажриба-синов жараёнида апробациядан ўтказилгани, тажриба-синов ишлари самарадорлигининг кўрсаткичлари статистик методлари воситасида асослангани, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тиббиёт-фармацевтика йўналишида талабаларнинг инглиз тилидан мустақил ўқув-билув фаолиятини аралаш таълим муҳитида масофавий таълим воситаси бўлган Moodle дастурий платформасида ривожлантиришнинг педагогик-дидактик имкониятлари аниқлангани, тиббий-фармацевтик контентлардан фойдаланиб масофавий таълим воситасида талабаларнинг инглиз тилидан мустақил ўқув-билув фаолиятини ривожлантириш мақсадида лойиҳалаштириш технологияси ишлаб чиқилгани ва унинг самарадорлиги асослангани, ушбу йўналишда талабалар мустақил ишлари Moodle ва HEMIS платформалари орқали ташкил қилингани ва баҳолаш мезонлари такомиллаштирилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тиббиёт-фармацевтика йўналишида инглиз тилидан талабаларнинг мустақил ўқув-билув фаолиятини масофавий таълим воситасида ривожлантиришни уч босқичли (қуйи, ўрта, юқори) табақалаштирилган гуруҳларда ташкил этиш технологияси ишлаб чиқилгани, тиббиёт-фармацевтика олий таълим муассасалари учун инглиз тилидан талабалар мустақил ўқув-билув фаолиятларини масофавий таълим воситасида ташкил этишнинг методик таъминоти ишлаб чиқилгани ва Moodle

жойлаштирилгани, буларнинг барчаси биринчи босқичда амалиётга жорий этилгани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тиббиёт-фармацевтика йўналиши таълим муассасаларида инглиз тилини ўқитишда талабаларнинг мустақил ўқув-билув фаолиятини масофавий таълим воситасида ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган амалий тавсиялар асосида:

тиббиёт-фармацевтика йўналиши талабаларининг мустақил ўқув-билув фаолияти уларнинг индивидуал хусусиятлари, мослашувчанлиги, рефлексив ва ўз-ўзини назорат қилиш кўникмаларини ривожлантиришнинг педагогик интерференциясини доимий таъминлаш асосида такомиллаштиришга оид таклифлар асосида "English for pharmacists Module 1 Social and professional interaction" ўқув қўлланмаси ишлаб чиқилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 14 августдаги 418-сон буйруғи билан берилган 418-119-сон нашр рухсатномаси). Натижада тиббиёт-фармацевтика йўналишининг биринчи босқич талабаларини инглиз тили кўникмаларини мустақил ривожлантириш имкони оширилган;

талабаларнинг мустақил ўқув-билув фаолияти соҳавий чет тили кўникмаларини табақалаштирилган умумсоҳавий, аутентик, дифференциал-ижодий, интегратив-фаолиятли, тиббиёт-фармацевтик контентларга мувофиқлиги дифференциал ёндашув интеграциясини ички ва ташқи омиллар идиентлигини босқичма-босқич таъминлаш асосида такомиллаштиришга оид тавсиялар Британия Кенгашининг "EnSPIRE-U" ва "TELL" лойиҳаларида нофилологик йўналишлар учун махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тилини ўқитиш «ESP Curriculum» намунавий дастурини яратишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 1 июлдаги 89-03-5139-сон маълумотномаси). Натижада инглиз тили фанидан ўқув дастурлари, ўқув-услубий материаллари такомиллаштириш ва талабаларнинг мустақил ўқув-билув фаолиятини ривожлантириш имкони оширилган;

масофавий таълим шароитида талабаларнинг мустақил ўқув-билув фаолиятини ривожлантириш модели касбий компетентлик ва чет тиллари кўникмаларини лойиҳалаш механизмларини индивидуал, мустақил, таълим субъектларининг манфаатларига адекват синхронлаштириш асосида такомиллаштиришга оид таклифлар асосида "English for pharmacists Module 1 Social and professional interaction" ўқув қўлланмаси ишлаб чиқилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 14 августдаги 418-сон буйруғи билан берилган 418-119-сон нашр рухсатномаси). Натижада тиббий-фармацевтик терминлар ёрдамида талабаларнинг инглиз тилини соҳавий мақсадларда мустақил ўрганишларига ва билим даражаларини ошишига эришилган;

талабаларнинг мустақил ўқув-билув фаолияти самарадорлиги чет тилини ўқитиш имкониятлари, масофавий таълимни ташкил этишнинг ижтимоий параметрларига мувофиқлиги, электрон почта, форумлар ва суҳбатлар орқали мулоқот қилиш учун шароит яратишга ижтимоий ва индивидуал синхронлаштириш асосида такомиллаштиришга оид таклифлар асосида "English for pharmacists Module 1 Social and professional interaction" ўқув

қўлланиши ишлаб чиқилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 14 августдаги 418-сон буйруғи билан берилган 418-119-сон нашр рухсатномаси). Натижада талабаларнинг инглиз тилидан мустақил ўқув-билув фаолиятини баҳолаш мезонларини такомиллаштиришга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 номдаги илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги ОАК рўйхатидаги илмий журналларда 4 та илмий мақола, шундан хорижий журналларда 1 та мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, асосий мати 143 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, илмий янгилиги ва амалий натижалари, олинган натижаларнинг ишончлилиги кўрсатилган, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқотни амалиётга жорий этиш натижалари баён этилган.

Диссертациянинг **“Нофилологик олий таълим муассасаларида талабаларнинг мустақил ўқув-билув фаолиятини ташкил этишнинг педагогик муаммолари”** деб номланган биринчи бобида бугунги кунда нофилологик олий таълим муассасаларида замонавий индустриал дунё бозори эҳтиёжларига мослаша оладиган рақобатбардош кадрлар етиштириш учун талабаларнинг мустақил ўқув-билув фаолиятини ривожлантириш педагогик зарурат эканлиги асосланган, буни амалга оширишда масофавий таълимнинг афзалликлари ва имкониятлари ўрганилган.

Бугунги инновацион технологиялар асри аудитория машғулотларида ҳам, аудиториядан ташқаридаги мустақил таълим олиш жараёнида ҳам ахборот технологиялари салмоғининг ниҳоятда ортишига олиб келди. Бу мустақил таълимнинг дидактик асосларини такомиллаштиришни, янги педагогик шарт-шароитларда талабаларнинг мустақил таълим олишларини масофадан туриб бошқариш ва назорат қилиш имкониятларини ўрганиш ва лойиҳалашни долзарб вазифа қилиб қўймоқда. Талабаларнинг ўқув-билув материалларини мустақил ўзлаштиришида юзага келадиган муаммолар кўп жиҳатдан педагогик шарт-шароитларга ҳам боғлиқ бўлиб, бу мустақил таълимнинг дидактик жиҳатларини, мустақил ишлар мазмуни ва шаклларини, уларни назорат қилишни тўғри ташкил этилишини тақозо этади.

“Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси” да олий таълим муассасалари олдига ўқув режадаги мустақил таълим соатлари улушини ошириш, талабаларнинг мустақил ижодий фикрлашини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш қайд этилган. Бугунги кунгача олий таълимда талабаларнинг мустақил таълим олиши 30-40 фоизни ташкил этса, мазкур концепцияга кўра бу кўрсаткич 2030

йилгача 60 фоизга етказилиши керак. Бу борадаги устувор вазифалар талабаларнинг аудиториядаги фаолияти билан мустақил фаолият юритиши ўртасидаги узвий боғлиқликни, бунда мустақил ишларни оддийдан мураккабга қараб ўсиб боришни таъминлашга қаратилган бўлиб, талабалар мустақил фаолиятининг самарадорлиги ушбу жараённинг оқилона ташкил этилишига боғлиқ. Таълимни ижтимоийлаштириш вазифасини бажарувчи шахс ҳисобланувчи педагог жамиятдаги ўзгаришлар билан ҳамнафас бўлиши, уларнинг жорийланиши ҳамда ривожланишига ўз таъсирини ўтказиши керак.

Ахборот-коммуникацион технологиялар ва интернетнинг юксак даражада тараққий этиши туфайли юзага келган инновацион глобал ахборотлашув муҳитида талабаларни мустақил изланувчиликка ундаш давр талабига айланиб бормоқда. Ривожланган мамлакатларда, хусусан, Европанинг етакчи университетларида талабалар ўзларининг асосий вақтларини кутубхоналарда мустақил ишлаш билан ўтказишлари барчага маълум. David Little мустақил шугулланувчи талабаларни “Learner autonomy” – мустақил ўрганувчи деб атаб, “улар ҳолисона ишлаш қобилиятига, танқидий фикрлаш, қарор қабул қилиш ва ўзлаштирмоқчи бўлган билимларни ўз зиммасига олиш лаёқати имкониятларига эга бўладилар”, деб ҳисоблайди. И.А. Зимняя эса, буни қуйидагича тавсифлаган эди: “Мустақил иш талабадан фаоллик ва интилувчанликни талаб қиладиган фаолият бўлиб, бундай иш тури ўқитувчи томонидан аниқ кўрсатмалар, тушунтиришлар берилмасдан, бажарилган ишни очик шаклда назорат қилинмасдан амалга оширилади. Ушбу фаолиятда эътиборни жамлаш, факатгина материал мазмунига боғлиқ бўлибгина қолмай, балки талабанинг шахсий имкониятларига ҳам боғлиқ бўлган ақлий ва амалий ҳаракатларни талаб қилади”. Кўринадики, ўқув жараёни сифатини оширишда мустақил таълимнинг роли жуда катта ва барча мамлакатлар таълим муассасаларида талабаларнинг мустақил ишларига жиддий эътибор қаратилса-да, мустақил ишларни ташкил этиш шакллари ва самарадорлиги борасидаги муаммолар ҳали тўлиқ ечим топган эмас. Тадқиқотларда қайд этилишича, “олий таълим муассасасига ўқишга кирган талабаларнинг 40% игна турли манбалар билан мустақил ишлаш олади, қолган 60% талаба эса фақатгина манбалардан фойдаланиб мустақил ишлашда ўқитувчининг кўмаги ва маслаҳатига муҳтож бўлади”. Мустақил ишларнинг самарадорлигига салбий таъсир этувчи омиллардан яна бири талабаларда ўқув малакаларининг шаклланимаганлиги, ўқув режаларида мустақил таълимга талаба ўқув вақтининг қарийб бешдан уч қисми ажратилган бўлса-да, талаба мустақил иш бўйича топшириқлар сони, ҳажми, уни бажаришга сарфланадиган вақт кўп ҳолларда нотўғри тақсимланиши, назорат ва баҳолашга юзаси муносабат туфайли талабаларнинг мустақил ижодий ёндашуви сезилмаслиги, аксинча, дарсликдан, тайёр манбалар, интернет материалларидан кўчириб келиш ҳолатлари кўп кузатилади. ОТМларда ўқув жараёнининг ажралмас қисми ҳисобланувчи мустақил ишлар талабалар томонидан ўқитувчи иштирокисиз ёки билвосита бошқарувда индивидуал бажариладиган ишлар бўлиб, бу ўринда талаба ва педагог жамоасида ҳар иккала тараф ҳам мустақил таълим уларнинг манфаати учун олиб борилишини тушуниши ҳам керак. Яъни, талаба эгаллаётган билими натижасига ўзи масъуллигини, бажараётган мустақил ишлари педагог учун

эмас, балки ўзи учун эканлигини, уларга келажакдаги муваффақиятларини таъминловчи омил сифатида қараш кераклигини тушуниб етиши, педагог эса мустақил таълимни тўғри йўлга қўйиш ўз фаолиятининг натижадорлигини таъминлашга ва иш фаолиятини осонлаштиришга хизмат қилишини англаши даркор. Кўринадиги, мустақил ишларнинг самарадорлиги ушбу ишларни тўғри ташкил этилиши билан бевосита боғлиқ ва буни тўғри йўлга қўйиш куйидагиларга эришишни таъминлайди (1-расмга қarang):



1-расм. Мустақил таълимнинг самарали ютуқлари

Олий таълимнинг асосий мақсади ҳам халқаро стандартлар асосида юкори малакали, креатив ва тизимли фикрлайдиган, мустақил қарор қабул қила оладиган кадрлар тайёрлаш, ёшларнинг интеллектуал қобилиятларини ривожлантиришдан иборат. Жумладан, Хельсинки университети профессори Яркко Ламписелькунинг қайд этишича, йигирма биринчи аср кўникмалари яратувчанлик, инновациялар, танқидий фикрлаш, муаммони ечиш, қарор қабул қилиш кўникмаларидан иборат бўлиб, ушбу кўникмалар фикрлаш воситаси, яшаш тарзи, ишлаш йўли ва ишлаш воситаси тўртлиги асосида шакллантирилади ва ушбу компетентлик қилини рақобатбардош кадрни яратишга йўналтирилиши керак.

Диссертацияда мустақил таълим муаммо ва унинг тақлиф этилаётган ечими моҳиятига кириб бориш, муаммони конструктив ва самарали ҳал қилишга имкон берадиган усуллари аниқлаш, керакли маълумотларни топиш ва улар устида мустақил ишларни режалаштириш, бунда амалий педагогик тажрибадан фойдаланиш имкониятидир. Бугунги кунда ахборот-коммуникацион технологиялар ва интернетнинг юксак даражада тараққий этиши илм толиблари учун кенг имкониятлар яратди ва талабаларнинг таълим жараёнига муносабатини тубдан ўзгартиришга олиб келди, берилган машқ ва топшириқларни масофадан туриб мустақил бажариш талабалардаги айрим индивидуал хусусиятларни ҳам кашф қилди. З.Р.Девтерова фикрича, талабаларга индивидуал ёндашишни таъминлайдиган компьютер бир вақтнинг

ўзида жамоавий ижод қилишни ҳам рағбатлантиради. Тадқиқотимиз жараёнида анъанавий ва масофавий таълим шаклида педагоглар ва талабалар бажарадиган вазифаларини қиёсий таҳлил қилиш мустақил таълим шаклининг қўлланиш имконияти анъанавий ёки масофавий таълим шакллариининг қайси бирида кўпроқ кенг миқёсда эканлигини аниқлаш имконини берди (1-жадвалга қarang):

1-жадвал

Анъанавий ҳамда масофавий таълим шаклида педагог ва талаба томонидан бажариладиган вазифалар

Вазифа тури	Анъанавий таълим шаклида	Масофавий таълим шаклида
Педагогининг вазифаси	<ol style="list-style-type: none"> 1. Маъруза матнлари, семинар ишлари тайёрлайди. 2. Тақдирот слайдлари воситасида маъруза дарсларини, амалий ва семинар машғулотларини ўтади. 3. Мустақил иш мавзуларини беради ва уларни қабул қилади. 4. Эгаланган бисем, кўникма ва малакаларни назорат қилиш учун савол ва топшириқ тестларини тайёрлайди. 5. Назорат имтиҳонларини қабул қилади. 	<ol style="list-style-type: none"> 1. Ўқув материаллари – маъруза матнлари, амалий машғулот вазифаларини ва тақдирот слайдларини платформага жойлаштиради. 2. Савол ва топшириқлар, мустақил ишлар мавзуларини, назорат топшириқларини ва тестларни қирғатади. 3. Индивидуал маслаҳатлар беради ва топшириқларнинг бажарилишини текширади. 4. Назорат ишлар компьютер дастури платформа орқали қабул қилинади ва текширилади.
Талабанинг вазифаси	<ol style="list-style-type: none"> 1. Маъруза дарсларини тинглайди. 2. Амалий машғулотларда иштирок этади ва бажар олади. 3. Семинар дарсларида жавоб бериб баҳоланади. 4. Мустақил ишларни бажаради, ҳисоб қилади ва топширади. 5. Назорат имтиҳонларини топширади. 	<ol style="list-style-type: none"> 1. Ўқув материаллари – маъруза матнларини ўқийди, слайдлар билан танишади. 2. Савол ва топшириқларга жавоб излайди, ёзиб юборади, мустақил ишларни индивидуал бажаради. 3. Ўқитувчи билан маслаҳатланади, хатолирини тўғирлаб қайтадан жўнатади. 4. Назорат саволларига мустақил тайёрланади, кичик гуруҳлар туриб ҳамкорликда ишлайди, ўз жавобларини далилловчи аргументларни излаб топади. 5. Тест бажаришга ҳолисоини ёндашади.

Диссертацияда қиёсий таҳлиллар анъанавий таълим шаклида педагогнинг 5 та вазифасини камраб олишини, талабанинг вазифаси эса асосан тинглаш, иштирок этишдан иборат бўлган пассив шаклга тушиб қолганини, талабанинг мустақил фаолияти 30% га ҳам етмаслиги кўрсатилган. Масофавий таълим шаклида эса педагог ўқув материалларини платформага киритгандан сўнг фақат тьютор-маслаҳат берувчи сифатида қолиб, қолган вазифаларнинг барчаси талабага ўтади: талаба мустақил тарзда ахборот маълумотларни излайди, топади, ўқийди, ўзлаштиради, ҳатто ўз ташаббуси билан кичик гуруҳлар ташкил этади, ўз фикрларини далиллар топиб исботлашга ҳаракат қилади. Талабанинг мустақил фаолияти икки баробардан ҳам ортиб кетиши аниқланган.

Дарҳақиқат, масофавий таълим шакли қатор афзалликлари билан бугунги куннинг замонавий таълим турига айланди. Нофилологик йўналишларда талабаларнинг касбий-соҳавий компетентлигини ривожлантиришда ахборот технологиялари ва чет тилларни билиш энг муҳим омиллар бўлиб, айнан

нофилологик ОТМларда талабалар мустақил фаолиятини масофавий таълим воситасида ташкил этиш талабаларнинг ўз-ўзини ривожлантириш лаёқатини шакллантиришга шарт-шароит яратди, уларга қўшимча билим олиш учун мотивация беради. Талабаларнинг ижодий ишлашга, янги маълумотларни излаб топишга ҳаракати уларда ахборот-коммуникатив технологияларини пухта ўзлаштириш ва чет тилларни билиш эҳтиёжини юзага келтиради. Талаба касбий-соҳавий билимларни фундаментал эгаллаши, жаҳон миқёсида рақобатбардош малакали мутахассисга айланиши учун рақамли иқтисодиёт ва тил билими нақадар зарурлигини ўзи ҳис қила бошлайди. Бу нофилологик йўналишларда масофавий таълим воситасида талабаларнинг мустақил ўқув-билув фаолиятини соҳавий чет тилни мутахассислик фанлари билан интеграциялашга йўналтириб ташкил этишни лойиҳалаш орқали самарали натижаларга эришиш бугунги кунда педагогик заруратга айланганлигини кўрсатади.

Диссертациянинг **“Тиббиёт-фармацевтика йўналишида инглиз тилини масофавий ўқитишда талабаларнинг мустақил ўқув-билув фаолиятини ривожлантиришнинг лойиҳалаш технологияси”** деб номланган иккинчи бобида тиббиёт-фармацевтика йўналишида талабаларнинг инглиз тилидан мустақил ўқув-билув фаолиятини ташкил этиш шарт-шароитлари таҳлил қилинган, талабалар мустақил ўқув-билув фаолиятини масофавий таълим воситасида педагогик-дидактик лойиҳалашнинг технологик асослари баён қилинган.


Бугунги кунда халқаро муносабатларнинг фаоллашиши, ижтимоий-иқтисодий алоқаларнинг яхшиланиши ва дунё бозорига чиқиш сазой-ҳаракатлари кадрларнинг савияси ва маҳоратига ҳам боғлиқ. Афсуски, нофилологик таълим йўналишларида бўлажак мутахассислар касбий-соҳавий фанлардан етарли билим, кўникма ва малакага эга бўлганлари ҳолда чет тилни билиш даражаларининг пастлиги бу борада панд бермоқда. Хусусан, тиббиёт-фармацевтика соҳасида мутахассисларнинг жаҳон бозорига чиқишини қийинлаштирадиган омиллардан бири уларнинг соҳавий чет тилни билиш даражасининг пастлигидир.

Анъанавий ва масофавий таълим шаклини биргаликда олиб бориш, яъни гибрид таълим ўқитиш сифати ва самарадорлигини таъминлайдиган энг қулай йўл деб ҳисобланиб, айнан шу йўл талабалар анъанавий таълим орқали эгаллаган билимларини онлайн таълим воситасида мустаҳкамлаш, қўшимча маълумотларни мустақил излаш, масофавий таълимнинг кенг имкониятларидан фойдаланиб, ижодий ишлаш кўникмалари ривожланишига ва малакага айланишига олиб келади. Тиббиёт-фармацевтика йўналишида инглиз тилини билиш даражаси турлича бўлган талабаларнинг таҳсил олиши чет тилидан мустақил ишларни ташкил этишда, талабаларнинг мустақил ўқув-билув фаолиятини табақалаштирилган уч босқичли (қуйи, ўрта, кучли) гуруҳларни ташкил этиш ва талабалар билан индивидуал, корпоратив ва коллоборатив таълим тамойиллари асосланиб ташкил қилишни тақозо этади. Тиббиёт-фармацевтика йўналишида соҳавий инглиз тилини ўқитишда касбий фанлараро

интеграция, яъни хорижий тил фанини фармакогнозия, фармацевтик кимё, дори турлари технологияси, даволаш иши, анатомия, юрак, қон томир касалликлари, тиш анатомияси, хирургия каби мутахассислик фанлар билан интеграциялаб ўтиш талабаларда ҳам касбий фанларни, ҳам тилларни ўрганишга бўлган мотивацияни кучайтиради. Хусусан, фармацевтика йўналишининг ишлаб чиқариш ва саноат билан беvosита боғлиқлиги ташқи ҳамкорлар, шериклар билан уларнинг тилида соҳавий ва расмий мулоқот юрити олиш, шартномалар туза олиш каби касбий лаёқатларни таркиб топтиришни тақозо этади. Бу бугунги кунда айнан шу соҳа ходимларининг ташқи иқтисодий алоқалар бўйича ҳам компетентликка эга бўлишини заруратга айлантирмоқда ва ўз-ўзидан бўлажак мутахассисларнинг чет тилида тинглаб тушуниш, гапириш, ёзиш, ўқиш кўникмаларини эгаллаган бўлишини талаб этмоқда. Тадқиқотимиз жараёнида тиббиёт-фармацевтика йўналишида анъанавий таълимдаги мустақил ишлар мазмуни, уларни назорат қилиш жараёни ўрганиб чиқилди. Таҳлиллар 2017-2019 ўқув йиллари бўйича инглиз тилидан тузилган дастурлар таҳлили мустақил таълим учун ажратилган соатларнинг борган сари камайиб бorganини, мустақил таълим мавзулари ва уларнинг бажарилиш шакллари йиллар давомида сезиларли ўзгармаганини, мустақил ишларнинг асосан рефератлар шаклида қабул қилиниши кўчирмақашликка олиб келганини кўрсатди. Қуйида анъанавий ва масофавий таълим муҳитида мустақил ишлар мазмуни, уларни топшириш шакллари ва баҳолаш мезонлари қисси берилган жадвални келтирамыз (2-жадвалга қаранг).

Масофавий таълим назарий дарслар сонини қисқартириш, материални мустақил ўзлаштиришга эътиборни кучайтириш орқали таълим олувчининг шахс сифатида ривожланиши учун қулай шароит яратилишига олиб келади. Масофавий машғулотлар талабаларнинг масофадан туриб бир-бири билан ўзаро алоқага киришиш, топшириқларни тезкорлик билан бажариш, қизиқиш доирасини кенгайтириш ва янги соҳалар бўйича ҳам ўз билимларини ошириб боришига имкониятлар яратиб беради. Таълим олувчи ўқитувчининг назорати остида мустақил фаолият юритиши орқали назарий билимларни эгалловчи субъектдан таълим технологияси талабларига жавоб берувчи фаол қатнашчи сифатида ушбу жараённинг етакчи субъектига айланади. Масофавий таълим воситасида ўқув жараёнини лойиҳалаш бугунги кунда назарий ва методик жиҳатдан тўлиқ тадқиқ этилмаган бўлиб, хусусан, талабаларнинг мустақил таълим олишини масофавий таълим платформалари воситасида педагогик-дидактик лойиҳалаш борасида муаммолар кўп. Ушбу жараёнда педагогнинг гуруҳларда талабалар мустақил ишларини ташкил этиш жараёнига тайёргарлик даражаси ниҳоятда муҳим ўрин тутди. Бунда ўқитувчи анъанавий педагогик жараёни ноанъанавий педагогик жараён, яъни масофавий таълим муҳитидаги жараёнга алмаштириши, таълим жараёнининг масофавий муҳитга мослаштирилган дидактик технологиясини ишлаб чиқиши, уни амалга ошириши керак бўлади. Педагогик лойиҳалаш тизимли ўқитишнинг дастлабки босқичидан, яъни ижтимоий бузуртма талабларини, муайян йўналишда таҳсил олаётган талабаларнинг эҳтиёжларини ва таълим мақсадларини таҳлилдан

олиб борилган тажриба-синов ишлари ва уларнинг самарадорлик натижалари ёритилган.



3-расм. Масофавий таълим воситасида тиббиёт-фармацевтика йўналиши талабаларининг мустақил ўқув-билув фаолиятининг ривожлантиришнинг лойиҳалаштириш технологияси методик таъминоти (инглиз тили материаллари асосида)

Педагогик тажриба-синов ишларида тиббиёт-фармацевтика йўналишида 1-босқич талабаларига инглиз тилини масофадан ўқитиш жараёнида талабаларнинг мустақил ўқув-билув фаолиятларини ривожлантириш юзасидан ишлаб чиқилган лойиҳа технологияси ва унинг методик таъминоти синовдан ўтказилди. Тиббиёт-фармацевтика йўналиши талабаларида “Тиббиётда хорижий тил” фани 1-босқичда ўқитилишидан келиб чиқиб, тажриба-синов ишлари 2017-2018, 2018-2019, 2019-2020-ўқув йилларида 1-босқич талабалари ўртасида ўтказилди.

Тажриба майдонлари сифатида Тошкент фармацевтика институти, Тошкент давлат стоматология институти ва Андижон давлат тиббиёт институти танланди ва тажриба жараёнига жами 560 нафар респондент жалб этилди.

Тажриба-синовнинг асословчи босқичида (2017-2018 ўқув йили) тадқиқот иши мавзусига доир илмий-методик адабиётлар ўрганилди, тиббиёт-фармацевтика йўналишидаги ОТМлар инглиз тили ўқитувчилари ва талабаларидан алоҳида анкета сўровномалари ўтказилиб, мавжуд ҳолат таҳлил қилинди. Таҳлилий тестлар асосида қуйидагича табақалаштирилган гуруҳлар шакллантирилди: қуйи A1-A2 даража (аралаш таълим шароитида умумий-соҳавий инглиз тилини ўзлаштиришга қаратилган машқларни бажартириш

асосида); ўрта даража B1-B2 даража (аралаш таълим шароитида умумий-соҳавий инглиз тилини ўзлаштиришга қаратилган ўқув ва икодий машқларни бажартириш асосида); юқори даража B2+ даража (аралаш таълим шароитида касбий-соҳавий инглиз тилини ўзлаштиришга қаратилган кўникма ҳосил қилувчи икодий машқларни бажартириш асосида).

2018-2019 ўқув йилида ўтказилган шакллантирувчи босқичда тиббиёт-фармацевтика йўналишида инглиз тилини ўқитишда мустақил таълим мазмуни, топшириш ва назорат қилиш шакллари юзасидан ишлаб чиқилган лойиҳа технологиясининг методик таъминоти 1-босқич талабалари ўртасида тажриба-синовдан ўтказилди. Ушбу методик таъминот Moodle масофавий таълим платформаси воситасида мустақил ишларни самарали ташкил қилиш ва талабаларнинг мустақил ўқув-билув фаолиятини мотивациялаш орқали ривожлантириш йўллари кўрсатилди. Ўқитувчиларда талабаларга берилаётган мустақил таълим шаклларида масофадан қабул қилиб олишга қаратилган инновацион-икодий ёндашув шакллантирилди. Тиббиёт-фармацевтика йўналиши талабалари инглиз тили билим даражалари бўйича табақалаштирилгач, 1-босқич A1-A2 ва B1 даражали талабалари учун “Хорижий тил” фанининг уч қисми “Social and professional interaction” (“Ижтимоий ва касбий фаолият”), B1-B2 ва B2+ даражалари учун “Introduction to specialization” (“Мутахассисликка кириш”), “Professional development” (“Касбий ривожланиш”) ва “Qualified specialist” (“Малакали мутахассис”) мавзуларида машқ ва топшириқлар тайёрланиб, Moodle масофавий таълим платформасига жойланди.

Тиббиёт-фармацевтика йўналишида талабаларга инглиз тилидан бериладиган мустақил ишлар мазмуни, топшириш шакллари ва баҳоланиш мезонлари ҳам анъанавий, ҳам масофавий таълим шаклларида ўрганиб чиқилди. Бунда анъанавий таълимга тааллуқли бўлган фан дастурида нутқ фаолиятининг 4 тури бўйича мустақил ишларни баҳолаш мезонлари берилмагани аниқланди. Ушбу камчиликни бартараф қилиш мақсадида талабаларнинг мустақил ўқув-билув фаолиятини лойиҳалаштириш технологиясининг ҳар бир босқичи якунида талабаларни инглиз тилидан билим ва кўникмалари нутқ фаолиятининг 4 тури бўйича назорат қилиб боришнинг баҳоланишнинг қуйидаги мезонлари ишлаб чиқилди: қуйи даража (A1-A2 даража) – «3» (56 %-70 %); ўрта даража (B1-B2 даража) – «4» (71 %-85 %); юқори даража (B2+ даража) – «5» (86 %-100 %) (3-жадвалга қarang).

Талабаларнинг мустақил ўқув-билув фаолиятлари давомида Moodle масофавий таълим платформасининг QUIZ элементи воситасида ўтказилиб турилган тестлар ва натижалар мониторинги, мустақил ишларни бажаришлари мобайнида прогрессив тестлар (Progress Test) орқали ва курс якунидаги якуний тестлар (Summary Test) талабалардаги билим ва кўникмаларнинг ўсиб бораётгани ва инглиз тилини ўрганишга бўлган қизиқишнинг ортганини кўрсатди.

Тасдиқловчи босқичида (2019-2020 ўқув йили) тиббиёт-фармацевтика йўналиши 1-босқичида назорат ва тажриба гуруҳлари учун таллаб олинган респондентлар томонидан анъанавий ва масофавий шаклда амалга оширилган

мустикал ишларнинг натижалари кнэсий тахлил қилинди ва самарадорлик кўрсаткичлари аниқланди.

3-жадвал

Moodle платформада инглиз тилидан талабалар мустикал ишларин баҳолаш мезонлари			
Н/Ф	Қуйи А1-А2 даража	Ўрта В1-В2 даража	Юқори В2+ даража учун
Reading-Уқун	-содда гапларни тушуниша; -умумий иктомий терминларни билса; -умумий маълумотни хатларни ўқиса ва тушуниша; -бошланғич мавзуга оид матнларни ўқий оласа.	-Ўрта кўйинликдаги умум-соҳавий матнларни, мақолаларни ўқийди ва тушунади; -формал ва ноформал умум-соҳавий хатлар ва ахборотларни ўқийди ва тушунади; -иктомий ва соҳавий терминлар билан ишлайд; -умум-соҳавий мавзуга оид журнал ва газетани ўқийди ва тушунади.	-турли кўйинликдаги касбий-соҳавий матнлар, мақолалар ва асарларни хатосиз ўқийди ва тушунади; -формал-ноформал соҳавий хатли, маълумотни ва ахборотни кўйинчиликсиз тушунади; -касбий-соҳавий терминларни тушунади; -соҳавий рецензларни тушунади ва ёзад; -турли кўйинликдаги аниотшани ва матнни кўйналмасдан бажаради.
Listening-Тинглаш	-қисқа, иктомий диалогларни тушуниша; -бошланғич даражадаги монологларни умумий маълумотни тушуниша; -соддалашган матнларни тинглаб бажари оласа.	-Ўрта кўйинликдаги умум-соҳавий диалог, монологларни тушунади; -умум-соҳавий ва иктомий матнларни тинглаб, тушуниб, бажаради; -мураккаб умум-соҳавий ахборотларни тинглаб тушунади ва иктомий ёзиди.	-кўйинликдаги турлича бўлган касбий-соҳавий диалог, монологларни тушунади; -турли кўйинликдаги соҳавий матнларни тинглаб бажаради ва иктомий ёзиди; -соҳавий маълумотларни, янгиликларни кўйинчиликсиз тинглайди, тахлил қилади.
